

Жиноят иши № 1-2012-2501/13
судининг
Маърузачи судья: Ш.Кувватов

Биринчи инстанция
судьяси: З.Шаропов

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья: З.Қурбонов

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ
ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил октябрь ойининг 24 кунда, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, тафтиш инстанциясида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режими орқали,

Раислик қилувчи: Ш.Кувватов

Ҳайъат аъзолари: Я.Ниёзов ва С.Ҳамроқуловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Расуловнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Тошов, судланган М.Ядгарова ва унинг ҳимоячиси, адвокат С.Мирзаев, жабрланувчи Н.Қўчқорованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил 12 мартдаги ҳукми ҳамда Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 22 майдаги ажримига нисбатан судланган М.Ядгарова ва адвокат С.Мирзаев ҳамда жабрланувчи Н.Қўчқоровалар томонидан келтирилган шикоятлар асосида ишни тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил 12 мартдаги ҳукмига кўра,

1986 йил 27 октябрда Жиззах вилоятида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзани бор, муқаддам судланмаган, Ромитан туманидаги 6-сонли ДМТТ директори бўлиб ишловчи, Ромитан тумани, “Ибн Сино” маҳалла фуқаролар йиғини, Янгихаёт кўчаси, 187-уйда яшовчи, айблов



хулосаси нусхасини 2025 йил 20 январда ва ҳукм нусхаси 2025 йил 17 мартда олган

Ядгарова Малохат Фахриддиновна (Yadgarova Maloxat Faxriddinovna) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида - 9.375.000 сўм жарима жазосига судланган.

Шунингдек, мазкур ҳукм билан судланувчи М.Ядгаровадан жабрланувчи Н.Қўчқорова фойдасига 2.026.000 сўм етказилган зарарни ундириш белгиланиб, жабрланувчига бошқа турдаги моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилган.

Ўз навбатида, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 22 майдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил 12 мартдаги М.Ядгаровага оид ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Ядгарова 2014 йилдан ҳозирга қадар Ромитан тумани 6-сонли Мактабгача таълим муассасаси директори лавозимида ишлаб келиб, шу ДМТТда ҳамшира бўлиб ишловчи Н.Қўчқорова билан муқаддам бир-неча маротаба иш фаолияти юзасидан ўзаро келишмовчилик замирида оғзаки жанжаллашиб, 08.10.2024 йил соат 12:30 ларда, ДМТТ директори М.Ядгарова Ромитан тумани “Ибн Сино” МФЙ ҳудудида жойлашган 6-сонли ДМТТнинг ҳовлисида ҳамшира Н.Қўчқорова билан ўрталарида келиб чиққан оғзаки жанжал натижасида, М.Ядгарова қўллари билан Н.Қўчқоровани қўлини қисиб қайирган ҳолатда, қайта суд-тиббий экспертизасининг 22.11.2024 йилдаги 33-сонли хулосасига кўра, “Н.Қўчқоровага ўнг қўл бешинчи бармоқ юмшоқ тўқималари лат еб пайлари чўзилиши” каби оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келадиган қасддан баданга енгил шикаст етказганликда айбланган.

Судланган М.Ядгарова ва адвокат С.Мирзаевлар шикоятларида, Н.Қўчқорова билан ўрталаридаги келишмовчилик шахсий адоват замирида келиб чиққанлиги, жанжал 2025 йилнинг 8 октябрь куни



тахминан соат 12:30 ларда бўлиб ўтганлигига қарамасдан, жабрланувчи Н.Қўчқорова тиббиёт муассасасига кечги вақтда мурожаат қилганлиги, Н.Қўчқорова нейрохирург кўригидан ўтгандан сўнг, ўзининг талаби билан неврология бўлимига ўтказилганлиги, агарда унинг қўли ёки бармоғи синган бўлса нима сабабдан травматология бўлимига мурожаат қилмаганлиги, чунки у деразанинг паски қисмига ўнг қўли билан бир неча маротаба урганлиги, бу ҳолатни муассаса ходимлари кўриб, тергов ва судда тасдиқлаб кўрсатув берганликлари, биринчи босқич судининг ҳукми ва баённомасида айрим гувоҳларнинг кўрсатувлари ўзгартирилиб ёзилганлиги, иш ҳужжатларида уни жавобгарликка тортиш учун жабрланувчи Н.Қўчқорованинг кўрсатувларидан бошқа далиллар мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтириб, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди билан оқлов ҳукми чиқариб, жиноят ишини тугатишни сўраганлар.

Шунингдек, жабрланувчи Н.Қўчқорова ўзининг шикоятда, судланувчи М.Ядгарова ундан кечирим сўрамаганлиги ва у содир этган қилмишидан пушаймон эмаслиги, биринчи босқич суди М.Ядгаровага нисбатан ЖКнинг 45-моддасида назарда тутилган қўшимча жазо тайинламасдан хатоликка йўл қўйганлиги, судланувчи М.Ядгарова томонидан гувоҳларга босим ўтказилганлиги, терговда ҳамда суд мажлиси жараёнида ҳам гувоҳлар Д.Ҳасанов, А.Рахматова, Ф.Нарўзова ва Н.Аҳроровалар ёлғон кўрсатув берганликлари ҳақида важлар келтириб, судланувчи М.Ядгарованинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси билан қайта малакалаб, жазо тайинлашни ҳамда терговда ва суд жараёнида ёлғон кўрсатув берган гувоҳлар Д.Ҳасанов, А.Рахматова, Ф.Нарўзова ва Н.Аҳророваларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Ш.Қувватовнинг маърузасини, давлат айбловчиси Ж.Тошовнинг биринчи босқич судининг ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини, судланган М.Ядгарова ва унинг ҳимоячиси, адвокат С.Мирзаев ҳамда жабрланувчи Н.Қўчқороваларнинг ўзлари томонидан келтирилган шикоятларни



қаноатлантириш ҳақидаги музокараларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни тафтиш шикоят билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи ва апелляция инстанция судининг ажримларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Тафтиш инстанциясида сўроқ қилинган судланувчи М.Ядгарова, Н.Қўчқорова шикоятида гувоҳлар ёлғон кўрсатув берганликларини айтиб, шу сабабли уларга қонуний чора кўришни сўраган бўлса-да, ваҳоланки бу гувоҳлар унинг фойдасига кўрсатув берганликларини, бу ҳолат суд мажлиси баённомасининг нотўғри юритилганлигини яққол исботлашини, 2014 йилдан буён Ромитан туман 6-сонли ДМТТнинг мудираси бўлиб, фаолият юритишини, муқаддам уларнинг ўрталарида шахсий адоват бўлмаганлигини, иккаласи ҳам бир маҳаллада истиқомат қилишларини, раҳбар сифатида Н.Қўчқоровага бериладиган топшириқларни Н.Қўчқорова қабул қила олмаганлигини, Н.Қўчқорованинг номенклатураси Ромитан туман давлат мактабгача таълим ташкилотига қарашли эканлигини, Н.Қўчқорова вақт-вақти билан ҳеч қандай сабабсиз ишга келмаслигини, 2024 йилнинг 8 октябрь куни Ромитан туманидаги ДМТТларнинг фаолияти текширилганлигини, шу куни 6-ДМТТнинг таомномаси бўлмаганлиги сабабли Н.Қўчқорова билан ўрталарида жанжал келиб чиққанлигини, шу сабабли у раҳбариятга мурожаат қилганлигини, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қўл телефонида видеоёзувлар олганлигини, шу куни фарзандининг лаби қонаган ҳолатда келганлигини, буни кўрган Н.Қўчқорова “сани ҳаромхўрлигинг учун бегуноҳ боланг худодан топди” деб қўл телефонида тасвирга олганлигини, Н.Қўчқорова ҳамшира бўлганлиги сабабли фарзандига тиббий ёрдам беришини сўраш жараёнида унинг қўлидаги телефон Н.Қўчқорованинг қўлидаги телефонга текканлигини, унинг жуссаси Н.Қўчқорованинг жуссасидан катта бўлганлиги сабабли Н.Қўчқорова “мани уради” деб ўйлаб шовқин кўтарганлигини, шунда Д.Ҳасанов ўртага кириб унинг ва Н.Қўчқорованинг қўлларидан ушлаганлигини, аммо унинг Н.Қўчқоровага қўли тегмаганлигини, Н.Қўчқорова дарҳол ИИБга қўнғироқ қилганлигини, у боласининг юзидаги қонни этаги билан артганлигини, агарда Н.Қўчқоровани бармоғини қайирмоқчи бўлганда воқеа жойида ёрдам



берадиган одамлар етарли бўлганлигини, воқеа жойидаги барча видеоёзувларни тақдим этганлигини, аммо суд буни инобатга олмаганлигини, Н.Қўчқорова қўли синганлигини важ қилиб травматология бўлимида даволаниш ўрнига, неврология бўлимида ётиб қолганлигини, тергов жараёнлари 3 ой давом этганлигини, 11 йил раҳбарлик даврида бирорта ходим унинг устидан арз қилмаганлигини, шундай бўлса-да у Н.Қўчқоровадан кечирим сўраганлигини, ўзи аслида ўрталарида келишмовчилик йўқлигини, улар куда томондан қариндош ҳам бўлишларини, фақатгина раҳбарлиги нуқтаи назаридан ишни талаб қилишини, жазосини ўтаётганлигига қарамасдан Н.Қўчқорова раҳбариятдан уни ишдан олинишини талаб қилаётганлигини, Н.Қўчқорова барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга унинг устидан шикоят қилганлигини, ўрталаридаги келишмовчиликлар 6-ДМТТга мудира бўлганидан 5 ой ўтиб, яъни 2015 йилда бошланганлигини, ДМТТларда таомнома 10 кун учун тузилишини, сентябрь ойида пахта мавсуми бошланганлиги сабабли туман ҳокими томонидан 2-3 ёшга тўлмаган боларларни қабул қилиш тўғрисида топшириқ бўлганлигини, Н.Қўчқорова “сен ортиқча олинган болалардан пул олгансан, менга ҳам берасан” деб айтганлигини, келишмовчиликлар шундан сўнг бошланганлигини, касаба уюшмасига Н.Қўчқоровадан ДМТТнинг таомномасини олиб бериши учун мурожаат қилганлигини, унинг устидан берилган шикоятларнинг бирортаси ўз тасдиғини топмаганлигини, ота-оналар унга Н.Қўчқорованинг устидан арз қилиб фарзандарининг тиббий картаси учун пул олганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганликларини, Н.Қўчқорова гувоҳнинг уйига бориб босим ўтказганлигини ва бу жараёнлар ёзиб олиниб, биринчи босқич судида қўйиб эшиттирилганлигини, Н.Қўчқорова ишга кеч қолган вақтларида танбеҳ берганлигини, Н.Қўчқорова ундан ДМТТга ортиқча болаларни қабул қилиб олишни талаб қилганлигини, воқеа юз берган кунда Н.Қўчқоровани урмаганлигини, қўлидан ҳам ушламаганлигини, Н.Қўчқорованинг барча гаплари ёлғон эканлигини, у оқланиб, номини тиклагандан сўнг ўзи ихтиёри билан ариза ёзиб ишдан бўшаб кетишини, бироқ шунга қадар



тинчимаслигини, чунки унинг ҳаракатларида ҳақиқатан ҳам жиноят аломатлари йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Тафтиш инстанциясида сўроқ қилинган жабрланувчи Н.Қўчқорова, бирор марта ишни сабабсиз қолдирмаганлигини, 33 йиллик фаолияти давомида 5 та раҳбар билан ишлаганлигини, таомномани кунлик тарбияланувчиларнинг сонига қараб 1 кун олдин соат 15:00 да тузишини, 2024 йилнинг 2-4 октябрь кунлари қон босими ошганлиги сабабли даволанганлигини ва бу тўғрисидаги маълумотномани тақдим этганлигини, текширувчилар келганда уларга 2024 йилнинг август ойида рўйхатдагидан 20 та кўп бола ДМТТга қабул қилинганлиги тўғрисида ахборот берганлигини, ноқонуний қабул қилинган тарбияланувчилар ўрнига янги гуруҳ очиш тўғрисида М.Ядгаровага маслаҳат берганлигини, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида текширувчиларга ортиқча қабул қилинган тарбияланувчилар тўғрисида ахборот берганлигини, текширувчилар 11 нафар ортиқча тарбияланувчилар қабул қилинганлик ҳолати юзасидан далолатнома расмийлаштирганликларини, текширувчилар кетаётган пайтда судланувчи М.Ядгарова тўсатдан унга ташланганлигини, М.Ядгарова унинг қўлидан қайириб, сочидан тортганлигини, натижада заколкаси иккига бўлиниб, бир бўлаги ерга, яна бир бўлаги Д.Ҳасановнинг қўлига тушганлигини, уларни Д.Ҳасанов ажратганлигини, сўнра тез ёрдамга қўнғироқ қилганлигини, воқеа юз берган куни тунда ўзининг клиникасида даволанганлигини, фақатгина эртаси куни травматология бўлимида даволаниш учун жой бўлмаганлиги сабабли, неврология бўлимида бир ҳафта ётиб даволанганлигини, М.Ядгарованинг кўрсатувлари асоссиз эканлигини, воқеа жойида Ф.Наврўзова ва А.Рахматовалар бўлганликларини, гувоҳларга босим ўтказилганлигини, иш апелляция босқичида кўрилганда Д.Ҳасанов ёлғон кўрсатма берганлигини, М.Ядгаровага нисбатан шахсий адовати йўқлигини, бироқ ҳозирги кунда М.Ядгаровани кечирмаслигини, касаллик тарихига “тез ёрдам орқали олиб келинди” дейилган пункт нима сабабдан белгиланмаганлигидан хабари йўқлигини, воқеа юз берган куни соат 13:30 - 14:00 лар оралиғида рентгендан



ўтганлигини, ўнг қўли билан ёзиши сабабли гипс қилишни рад қилганлигини, аммо қўли шишиб кетганлиги сабабли, шу куни соат 20:20 да қўлини гипс қилдирганлигини, М.Ядгарова унинг қўлини қисиб, товлаганлигини, травматологнинг маслаҳати ва ўзининг розилиги билан билан неврология бўлимида даволанганлигини, ишдаги видео тасвирлардаги ёзувда унинг сочлари тўзғимаганлиги акс этган видеотасвирлар жанжал бўлишидан олдин олинганлигини билдириб кўрсатув берди.

Тафтиш инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Д.Ҳасанов, ўша куни бўлим бошлиғининг топшириғи билан 6-ДМТТнинг таомномаси йўқлиги сабабли борганлигини, текширилганда ҳақиқатан ҳам таомнома йўқлиги аниқланганлигини, ҳамшира томонидан таомнома берилмаганлигини, сўнгра ДМТТ фаолиятини ўзларининг ваколатлари доирасида ўрганишни бошлаганликларини, пахта мавсуми бўлганлиги сабабли 6-7 нафар тарбияланувчиларнинг ортиқчалиги аниқланиб далолатномалар тузиб кетаётганликларида эшик олдида бир бола келиб “устоз ана-у ерда бир бола йиқилиб тушди” деб айтганлигини, боғчанинг ҳожатхона томонидан тарбиячи лаблари қонаган, йиғлаб келаётган болани олиб келганлигини, бу вақтда М.Ядгарова билан Н.Қўчқорова ўрталарида даҳанаки жанг юз берганлигини, даҳанаки жанг жараёнида М.Ядгарованинг қўли Н.Қўчқоровага тегмаганлигини ҳамда М.Ядгарова Н.Қўчқорованинг қўлидан ушламаганлигини, М.Ядгарова билан Н.Қўчқорованинг ўрталарида уруш келиб чиқмаслиги учун уларни ажратганлигини, даҳанаки жанг жараёнида уларнинг ораларидаги масофа тахминан 2 метр бўлганлигини, тортишув жараёнига А.Раҳматова ва Ф.Наврўзовалар гувоҳ бўлганликларини, уларни ажратиш учун ўрталарига кирганда ораларидаги масофа тахминан ярим метрни ташкил этганлигини, тортишув тугагунига қадар Н.Қўчқорова қўлида оғриқ борлиги тўғрисида шикоят қилмаганлигини, М.Ядгарова Н.Қўчқорованинг қўлини қайирганлигини кўрмаганлигини, 2024 йил 8 октябрдан олдин 6-ДМТТга бормаганлигини, Н.Қўчқорованинг заколкаси синмаганлигини, биринчи босқич суди ва апелляция инстанциясидаги суд мажлисларда “М.Ядгарова Н.Қўчқорованинг қўлидан



ушлаб олди” деб кўрсатув бермаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Тафтиш инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ А.Раҳматова, у бўлим бошлиғи топшириғи билан ДМТТ борганликларини, у едаги ҳолат ўрганилиб далолатномалар тузилганлиги, ДМТТ ошхонасида ходим билан тортишиб, асабийлашганлигини, ишини яқунлаганлиги сабабли ҳолатни таҳлил қилмаганлигини ҳамда эътибор қаратмаганлигини, Д.Ҳасанов ва Ф.Наврўзова билан бирга текширишга келганлигини, жанжал жараёнида ДМТТнинг тарбияланувчиси билан овора бўлганлиги сабабли, тортишувга эътибор бермаганлигини, Н.Қўчқорова қўлини деразага урган ҳолатини кўрмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Тафтиш инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Р.Бобоева, ўз 2024 йилнинг 8 октябрь куни 6-ДМТТни текшириш учун туман ММТТ ходимлари келганликларини, текширувчилар ҳамширанинг хонасини текшириб чиқаётган вақтда у ошхонада бўлганлигини, Д.Ҳасанов ДМТТ ҳудудини тарк этаётган вақтда М.Ядгарованинг ўғлининг лаби қонаб келганлигини, сўнгра М.Ядгарова Н.Қўчқоровага ташланганлигини, Д.Ҳасанов уларни ажратганлигини, сўнгра Н.Қўчқорова “иби кўлим” деб эгилиб қолганлигини, жанжал бўлишидан олдин Н.Қўчқорова қўлида оғриқ борлиги тўғрисида айтмаганлигини, М.Ядгарова Н.Қўчқорованинг қўлини қайирганини кўрганлигини, М.Ядгарова унга бир маротаба кўрсатувларини ўзгартиришни таклиф қилганлигини, Д.Ҳасановга тушунтириш хати ёзиб бермаганлигини, бошқа ходимлар тушунтириш хати ёзиб берганликларини, овқат вақти бўлганлиги сабабли хонадан чиқиб кетганлигини, жанжал бўлаётганда тахминан 10-15 метр узоқликда бўлганлиги ва барча ҳолатнинг гувоҳи бўлганлигини, жанжал бўлишидан 2-3 кун олдин М.Ядгарова ва Н.Қўчқоровалар тортишиб юрганлигини, биринчи босқич судида Н.Қўчқорованинг сочлари тўзғаганлиги тўғрисида кўрсатув берганлигини, жанжал тугагандан сўнг Н.Қўчқорованинг олдига бормаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига кўра, суд жинойт юз берганлигини, унинг



содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаши ва ҳисобга олиши лозимлиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши;

- 463-моддаси 1-қисмига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2014 йил 23 майдаги 7-сонли Қарорининг 4-бандига мувофиқ, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шуларга асосан, тафтиш инстанцияси, судланувчи М.Ядгарованинг айби, гарчанд у ўз айбига иқрорлик билдирмаса-да, иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар, яъни:



- Ромитан туман ИИБнинг 102 тизимида жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисага оид хабарларни рўйхатга олиш китобига 08.10.2024 йилда қайд этилган туман ТТЁМ ҳакими М.Сонакуловнинг фуқаро Н.Қўчқорова б-сонли боғчада жанжал қилиб тан жароҳати олганлиги ҳақидаги №4131-сонли хабарномаси, шу кундаги фуқаро Н.Қўчқорованинг туман ИИБ бошлиғи номига ёзган аризаси;

- судга оид тиббий экспертизанинг 25.10.2024 йилдаги фуқаро Н.Қўчқоровада ўнг қўл бешинчи бармоқ юмшоқ тўқималарининг лат еб пайлари чўзилиши каби тан жароҳати борлиги аниқланганлиги, ушбу жароҳат ўтмас, қаттиқ жисм таъсиридан етказилганлиги, оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа муддат бузилишига олиб келадиган енгил танжароҳати тоифасига кириши, жароҳатнинг етказилиш муддати қарорда ҳамда амбулатор картада кўрсатилган ва текширилувчи айтган вақтга тўғри келиши ҳақидаги 214-Т-сонли хулосаси;

- 09.10.2024 йилдаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар;

- судга оид қайта тиббий экспертизанинг 22.11.2024 йилдаги фуқаро Н.Қўчқорованинг ўнг қўл бешинчи бармоқ юмшоқ тўқималарининг лат еб пайлари чўзилиши каби тан жароҳати борлиги аниқланганлиги, жароҳатнинг хусусиятига кўра ушбу жароҳат ўтмас, қаттиқ жисмлар таъсиридан юзага келган бўлиб, одатда бундай жароҳатлар зарб таъсиридан эмас, балки бармоқни қўл билан қисиб ўз ўқи отрофида бураш натижасида юзага келиши, оғирлик даражасига кўра жароҳат соғлиқнинг қисқа муддат бузилишига олиб келадиган енгил танжароҳати тоифасига кириши, жароҳатнинг етказилиш муддати қарорда ҳамда амбулатор картада кўрсатилган ва текширилувчи айтган вақтга тўғри келиши, жароҳатларнинг анотомик жойлашган ўрни ва хусусиятига кўра, Н.Қўчқорова уларни ўз бўйи баландлигидан йиқилиб олиши ёки ўзига-ўзи етказишига характерли эмаслиги, шунингдек ушбу ҳолат юзасидан эксперт И.Раззоқов томонидан расмийлаштирилган 214-Т-сонли бирламчи экспертиза хулосаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказиш стандартлари (Стандарт В-1) асосида тўғри ўтказилган бўлиб,



вазирликнинг 01.06.2012 йилдаги №153-сонли буйруғи 2-иловаси (тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари)га мувофиқ асосли берилганлиги ҳақидаги 33-сонли хулосаси;

- 25.11.2024 йилдаги CD-RD дискни кўздан кечриш баённомаси ва унга илова қилинган 1 дона диск ҳамда фотосуратлар;

- 25.11.2024 йилдаги гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва уларга илова қилинган DVD-R дисклар ҳамда фотосуратлар ҳамда ишда мавжуд асосли далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати, судланувчи М.Ядгарованинг шикоятда ва судда берган кўрсатувида у Н.Қўчқорованинг қўлини қисмаганлиги, унга тегмаганлиги ҳақидаги важларини иш юзасидан тўпланган, биринчи босқич суди ва апелляция инстанцияси томонидан текширилиб, атрофлича баҳо берилган, юқорида бирма-бир келтирилган далиллардан ташқари қуйидагилар, хусусан:

- жабрланувчи Н.Қўчқорованинг "... текширувчилар кетаётган пайтда судланувчи М.Ядгарова тўсатдан унга ташланганлиги, М.Ядгарова унинг қўлидан қайириб, сочидан тортганлиги, натижада заколкаси иккига бўлиниб, бир бўлаги ерга, яна бир бўлаги Д.Ҳасановнинг қўлига тушганлиги, уларни Д.Ҳасанов ажратганлиги, сўнра тез ёрдамга қўнғироқ қилганлиги" ҳақидаги кўрсатувлари;

- гувоҳ Р.Бобоеванинг "... М.Ядгарова Н.Қўчқоровага ташланганлиги, Д.Ҳасанов уларни ажратганлиги, сўнгра Н.Қўчқорова "иби қўлим" деб эгилиб қолганлиги, жанжал бўлишидан олдин Н.Қўчқорова қўлида оғриқ борлиги тўғрисида гапирмаганлиги, М.Ядгарова Н.Қўчқорованинг қўлини қайирганини кўрганлиги, М.Ядгарова унга бир маротаба кўрсатувларини ўзгартиришни таклиф қилганлиги, жанжал бўлаётганда тахминан 10-15 метр узоқликда бўлганлиги ва барча ҳолатнинг гувоҳи бўлганлиги" мазмунидаги кўрсатувлари;

- гувоҳ Д.Ҳасановнинг "... М.Ядгарова билан Н.Қўчқорова ўрталарида даҳанаки жанг юз берганлиги, шунда у уруш келиб чиқмаслиги учун уларни ажратганлиги, даҳанаки жанг жараёнида уларнинг ораларидаги масофа тахминан 2 метр бўлганлиги,



тортишув жараёнига А.Раҳматова ва Ф.Наврўзовалар гувоҳ бўлганликлари, уларни ажратиш учун ўрталарига кирганда ораларидаги масофа тахминан ярим метрни ташкил этганлиги, тортишув тугагунига қадар Н.Қўчқорова қўлида оғриқ борлиги тўғрисида шикоят қилмаганлиги” ҳақидаги кўрсатувлари;

- фуқаро А.Раҳматованинг дастлабки тергов жараёнида берган “... 8 октябрда бўлим бошлиғи топшириғига асосан 6-сонли боғчага борганларида ҳамшира ва директор ўртасидаги можарога гувоҳ бўлганликлари, унда М.Ядгарова ва Н.Қўчқоровалар бир-бирлари билан тортишиб, жанжал қилганликлари, сўнг уларни ажратганликлари” мазмунидаги илк тушунтириш хати;

- ўз шахсини ошкор қилмасликни сўраган гувоҳнинг тушунтириш хати ва кўрсатувлари;

- 29.11.2024 йилдаги Н.Қўчқоровани М.Ядгарова билан ва 05.12.2024 йилдаги Н.Аҳророва билан юзлаштириш баённомалари билан тўлиқ инкор қилинади деб ҳисоблайди.

Шуларга асосан, тафтиш инстанцияси, мазкур иш бўйича дастлабки тергов ва судлар томонидан содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, М.Ядгарованинг ҳаракатлари ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган ва суд томонидан унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатлар инобатга олиниб, қонун санкцияси доирасида, шахсига мос ва қилмишига яраша жарима жазоси тайинлаб, адолатли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Қолаверса, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси томонидан мазкур жиноят иши тўлиқ ўрганилган ва судлов ҳайъатининг 2025 йил 22 майдаги ажрими билан М.Ядгаровага оид суд ҳукмига тегишли қонуний баҳо берилган.

Бундан ташқари, тафтиш инстанцияси, жабрланувчи Н.Қўчқорованинг судланувчи М.Ядгаровага нисбатан ЖКнинг

45-моддаси асосида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш



тарзидаги қўшимча жазо тайинлаш ҳақидаги важини муҳокама қилиб, биринчи босқич суди томонидан ушбу ҳолат тўлиқ ўрганилиб, М.Ядгарова жиноятни ўзининг касби ва мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этмаганлиги, жанжал уларнинг ўртасида илгаридан бўлган шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққанлиги сабабли М.Ядгаровага нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўлламасликни ва уни у ёки бу лавозимда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслик тўғрисида асосли тўхтамга келган деб ҳисоблайди ва биринчи босқич судининг ушбу ҳулосаси билан тўлиқ келишади.

Шу боис, судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг ҳукми ва апелляция инстанция судининг ажримини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83, 464, 511, 515, 521^{4,6}-моддаларига ва Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли ва 2024 йил 25 июндаги “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли қарорларининг тушунтиришларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил

12 мартдаги ҳукми ва Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 22 майдаги Ядгарова Малохат Фахриддиновнага оид ажрими ўзгартирилган, тафтиш тартибидаги келтирилган шикоятлар қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига қайта тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш учун шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:	имзо
Ш.Қувватов	
Ҳайъат судьялари:	имзо
Я.Ниёзов	



ИМЗО

С.Ҳамроқулов

Нусхаси аслига тўғри.

Маърузачи судья:

Ш.Қувватов

Маърузачи: Қувватов Шавкат Чориевич



Ҳужжат имзоланган: Қувватов Шавкат Чориевич, 24.10.2025

